

БУДАПЕШТ САММИТИДАГИ ТАШАББУСЛАР ҚАРДОШ ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг таклифига биноан 19-21 май кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Президент Шавкат Мирзиёев 21 май кун

Будапешт шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида иштирок этди. Венгрия Бош вазири Виктор Орбан расмий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған ҳамда Туркий давлатлар ташкилоти бош қотиби Кубаничбек Омуралиев ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, ташкилот доирасидаги кўп қиррали алоқаларнинг бутунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида жаҳонда геосиёсий ва геоиқтисодий зиддиятлар, минтақавий низолар ва иқлим ўзгариши оқибатлари кучайиб бораётган бугунги мураккаб вазият шиддат билан ўзгариб бораётганини қайд этди.

Президентимиз долзарб халқаро муаммоларни ҳал этишда, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқ нормалари ва БМТ Низомига таянган ҳолда ташкилот давлатларининг умумий ёндашуви ва позицияларини мустаҳкамлаш муҳимлигини қайд этди.

Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш масалаларига тўхталар экан, Ўзбекистон етакчиси бу борада ишга солинмаган улкан салоҳият мавжудлигини кўрсатиб ўтди ва қатор янги таклифлар билдирди.

Сиёсий жиҳатдан Ўзбекистон ташаббуси билан Туркий давлатлар ўртасида стратегик

шериклик, абадий дўстлик ва қардошлиқ тўғрисидаги битимнинг имзолашни долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Ушбу ҳужжат халқларимизни янада яқинлаштириш ва кўп қиррали ҳамкорликнинг узоқ муддатли ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Президентимиз савдо-иқтисодий, инвестициявий ва транспорт-коммуникациявий ҳамкорлиқни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, Ташкилот мамлакатларининг умумий ташқи савдо айланмасида ўзаро савдо улушини ошириш мақсадида “Турк-трейд” онлайн платформа-сини яратиш ва Товар айирбошлашни кўпайтириш бўйича амалий дастур қабул қилиш таклиф этилди.

Транскаспий халқаро йўлаги орқали юк ташини ҳажмининг ўсишини таъминлаш ва божхона-чегара тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида давлатимиз раҳбари ушбу йўналиш бўйлаб “Ягона дарча” ва “Яшил йўлаклар” тизимини тез фурсатда жорий этишга қарор қилди. Бу борадаги ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида жорий йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида Туркий давлатларнинг халқаро мультимодал транспорт ва логистика форумини ўтказиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Туркий инвестиция жамғармаси таъсис этилганини олқишлаб, инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Қўшма вентур компанияси ва Ташкилотта аъзо мамлакатларнинг инвестициявий имкониятларини тақдим этадиган ягона портал ташкил этиш муҳим эканини таъкидлади.

Саноат кооперацияси соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида кимё,

энергетика, тоғ-кон, енгил саноат, фармацевтика, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва қурилиш тармоқларида йирик ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари иқлим кун тартибига тўхталар экан, яқинда Самарқанд шаҳрида ўтган Халқаро иқлим форуми давомида “Яшил” тараққиёт соҳасида глобал ва минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш бўйича қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилганини мамнуният билан қайд этди. Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг Будапешт шаҳрида Қўроқчиликнинг олдини олиш институтини ишга тушириш ташаббуси қўллаб-қувватланди. Унинг фаолиятига кўмаклашиш ва мақсадли лойиҳаларга кенгроқ жалб қилиш учун “Қўроқчилик ва экологик муаммоларнинг олдини олиш бўйича қўшма йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Президенти фан, маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Тошкент шаҳрида Туркий давлатлар халқаро университетининг очилиши ташкилотта аъзо мамлакатларнинг таълим дастурларини амалга ошириш ва иқтидорли ёшларни тайёрлашга муносиб ҳисса бўлиши таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ фаолияти ва тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Туркий маданият жамғармаси кенгашининг навбатдаги йиғилишини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф этди.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ НОРАСМИЙ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Сиз, азиятлар билан асрлар давомида Шарқ ва Ғарб ўртасида мустаҳкам кўприк бўлиб келаётган ғўзал Будапешт шаҳрида учрашиб турганимиздан беҳад мамнунман.

Бугунги йиғилишимизга юксак даражада мезбонлик қилаётган ҳурматли Венгрия Бош вазири Виктор Орбан Жаноби Олийлари шаънига айтилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Ташкилотимизда муваффақиятли раислик қилаётган ҳурматли Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Нургожоевич Жапаров Жаноби Олийлари янги утуқлар тилайман.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Бугунги саммитимиз шиддат билан ўзгараётган глобал вазият ва олдидан Ашарк бўлмайдиган мураккаб жараёнлар шароитида ўтмоқда. Геосиёсий ва геоиқтисодий зиддиятлар, минтақавий низолар ва иқлим ўзгариши оқибатларининг кучайиши барчамиз учун катта синов бўлмоқда.

Шу сабабли долзарб муаммолар ечими бўйича давлатларимизнинг умумий ёндашуви ва позицияларини кучайтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Таъкидлаш лозимки, биз энг оғриқли муаммоларга халқаро ҳуқуқ меъёrlлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми асосида ечим топиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Украина атрофидаги вазиятнинг дипломатия ва музокаралар йўли билан ҳал этишга

қаратилган амалий саяё-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз. Ҳурматли Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларининг бу борадаги муносиб ҳиссасини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Ғазада сулҳ битимининг бузилиши ва ҳарбий ҳаракатларнинг қайтадан бошланиши барчамизни чуқур ташвишга солмоқда. Токи “Икки халқ учун — икки давлат” тамойили рўёбга чиқмас экан, Фаластин — Исроил низо-сининг адолатли ечимини топиш мумкин эмас.

Глобал ва минтақавий хавфсизлик ҳақида сўз юритар эканмиз, Афғонистондаги мураккаб вазиятнинг инobatта олишимиз ва унга биргаликда ечим топишимиз лозим. Афғонистон бўйича қўшма баёнот қабул қилинаётгани тузилмаимизнинг бу масалага жиддий эътибор қаратиб келаётганидан далolat беради.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Биз қисқа вақт мобайнида Туркий давлатлар ташкилоти доирасида амалий ҳамкорлик бўйича самарали натижаларга эришмоқдамиз. Яқинда иқтисодий таҳлил марказларимизнинг Тошкентда бўлиб ўтган анжуманида алоқаларимизни кенгайтириш учун улкан салоҳият борлиги яна бир бор ўз тасдиғини топти.

Кун тартибидан келиб чиқиб, ўз таклифларимиз билдирмоқчиман.

Хабарингиз бор, ўтган йили Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий

дўстлик ҳамда қардошлиқ тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш таклифини илгари сурган эдик.

Бугунги кунда ушбу ҳужжатнинг аҳамияти ва долзарблиги янада ортиб бормоқда. Ҳеч шубҳасиз, мазкур битим халқларимизни янада яқинлаштириш ва кўп қиррали ҳамкорлигимизнинг узоқ муддатли ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу ҳужжатни Боку саммитида имзолашни таклиф қиламан.

Олдимизда аниқ вазифа турибди — яқин йилларда ўзаро савдо улушини кескин кўпайтириш лозим. Шу мақсадда “Турк-трейд” онлайн платформасини яратиш ва Савдонини ошириш амалий дастурини қабул қилиш ташаббусларини илгари сурамиз.

Транскаспий халқаро йўлаги орқали юк ташини ҳажмининг ошириш ва божхона-чегара тартибларини соддалаштириш учун “Ягона дарча” ҳамда “Яшил коридорлар” тизимларини тезроқ йўлга қўйишга чақираман. Ушбу йўналишдаги ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида ноябрь ойида Тошкентда Туркий давлатларнинг Халқаро мультимодал транспорт ва логистика форумини ўтказишни режалаштирганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Туркий инвестиция жамғармасининг фаолияти сармоялар оқимининг фаоллашуви-га туртки бериши шубҳасиз.

Биз инновацион лойиҳаларни рағбатлантириш учун Қўшма вентур

компаниясини ташкил этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу борада мамлакатларимизнинг инвестиция имкониятларини тўлиқ акс эттирган “Ягона инвестиция портали”ни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Яна бир масала. Саноат кооперацияси соҳасида амалий ҳамкорлиқни янги босқичга кўтариш вақти келди. Бу борада кимё, энергетика, тоғ-кон, енгил саноат, фармацевтика, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва қурилиш соҳаларида салмоқли ишлаб чиқариш қувватларини яратиш бўйича Саноат кооперацияси дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман.

Яқинда Самарқанд шаҳрида ўтказилган Халқаро иқлим форумида “Яшил” тараққиёт соҳасидаги минтақавий ва глобал ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш бўйича муҳим таклифлар билдирилди.

Ҳурматли Виктор Орбан Жаноби Олийларининг ташаббуси билан Будапештда Ташкилотимизнинг Қўроқчиликнинг олдини олиш институти ўз ишини бошлаганини ҳам мамнуният билан эътироф этамиз. Мазкур институт фаолиятига кўмаклашиш ва мақсадли лойиҳаларга кенгроқ жалб этиш учун “Қўроқчилик ва экологик муаммоларнинг олдини олиш бўйича қўшма йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни таклиф этаман.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган, барчамизнинг фахр-

ифтиҳоримиз бўлган буюк аجدодларимиз меросини чуқур ўрганиш ва дунёга таранум этиш биз учун шарафли ва масъулиятли вазифадир. Шу боис, илм-фани ривожлантириш ва ёш авлод учун таълим имкониятларини кенгайтириш ниятида Туркий дунё хартиясида “Илмдан ўзга нажот йўқ” деган юксак ахлоқий ғояни муҳрлаб қўйдик.

Ушбу эзгу мақсад йўлида Тошкентда Туркий давлатлар халқаро университети очилмоқда. Мазкур ўқув даргоҳида туркий давлатларнинг етуқ профессор ва олимлари фаолият олиб бориши кўзда тутилмоқда. Бу эса ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, уларнинг замонавий билимларни эгаллашига муносиб ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ўтган йили Ўзбекистоннинг Туркий маданият ва мерос жамғармасига расман аъзо бўлиб кириш ҳақидаги қарорини эълон қилган эдик. Ушбу тузилма доирасида умумтуркий маданий меросимизни асраб-авайлаш ва уни келгуси авлодларга безавол етказиш олдимизда турган муҳим вазифадир. Бу соҳадаги мулоқотни кенгайтириш мақсадида Жамғарма Кенгашининг навбатдаги йиғилишини мамлакатимизда ўтказишни таклиф қиламан.

Давлатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорлиқни ривожлантиришда Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ алоҳида ўринга эга. Бу йўналишдаги саяё-ҳаракат-

ларимизни янги босқичга олиб чиқиш ва ТУРКСОЙнинг нуфузини янада ошириш учун унинг фаолияти ва тузилмасини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман. Шу мақсадда ташқи ишлар ва маданият вазирларимизга Боку саммитига қадар тегишли таклифлар ишлаб чиқиш вазифасини топширсак, тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Муҳтарам ҳамкасблар! Бундан уч йил олдин туркий дунё бирлиги-га қўшган улкан ҳиссаси учун буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этган эдик.

Бугун ушбу нуфузли мукофот билан атоқли турк олими, биохимик, Нобель мукофоти совриндори, жаноб Азиз Санжар тақдирланаётганидан беҳад мамнунмиз. Бу машҳур олим Ўзбекистон Миллий университетининг фахрий доктори эканидан биз албатта гурурланамиз.

Аминманки, бугунги тақдирлаш маросими туркий дунё олимларини, жумладан, илм-фан йўлига дадил қадам қўяётган ёшларимизни янги-янги марралар сари рағбатлантиради.

Азиз дўстлар! Бугунги Будапешт саммитида қабул қилинган муҳим қарор ва ҳужжатлар қардош халқларимиз ўртасидаги тинчлик, ҳамжихатлик ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлаш йўлида янги саҳифа очишга ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН ШАРҚУ ҒАРБ БИЛАН МУВОЗАНАТ ВА ПРАГМАТИЗМГА ИНТИЛИБ, КЎП БОСҚИЧЛИ ТАШҚИ СИЁСАТ ЮРИТИШНИНГ НОЁБ НАМУНАСИНИ КЎРСАТМОҚДА

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВЕНГРИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ВА ТДТ НОРАСМИЙ САММИТИДАГИ ИШТИРОКИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга расмий ташрифи ва Туркий давлатлар ташкилотининг (ТДТ) норасмий саммитидаги иштироки халқаро эксперт доиралари вакилларининг диққат марказида бўлмоқда.

Мазкур воқеа расмий Тошкент ва Будапешт ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим босқич бўлди, шунингдек, Ўзбекистоннинг минтақавий ва минтақалараро ҳамкорлик жараёнларидаги роли ошиб бораётганини намойиш этди. Ташриф стратегик шериклик, жумладан, сиёсий мулоқот, сармоявий ҳамкорлик ва маданий-гуманитар соҳадаги алмашинув чуқурлашиб бораётганини фониди бўлиб ўтди.

➤ Давоми 2-бетда

Халқаро форум

ТЕРМИЗ МУЛОҚОТИ

ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РАМЗИГА АЙЛАНМОҚДА

2

Юксалиш палласи

“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ”

ЖАМҒАРМАСИ:

КРЕАТИВ ФИКРЛАЙДИГАН КАДРЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

3

Бугун шиддат билан ўзгараётган тахликали дунёда тараққиёт сари дадил қадам қўйиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш учун юқори малакали ва креатив фикрлайдиган мутахассисларга талаб тобора ортиб бормоқда. Бу жараёнда энг катта бойлигимиз — инсон капитали ва салоҳиятини юксалтириш масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

➤ Давоми 3-бетда

Бошланиши 1-бетда

Зеро, ҳар қандай юрт иқтисодиётининг барқарорлиги, барча соҳада ривожланган давлатлар билан рақобатлаша олиши меҳнат бозоридagi кадрларнинг салоҳиятига боғлиқ. Юқори малакали мутахассисларни етакчи хорижий олий таълим муассасаларида тайёрлаш, тажриба орттириши учун кенг имконият яратиш, катта илмий салоҳиятга эга олимлар, мутахассислар ва истеъодли ёшлар билан яқин ҳамкорлики йўлга қўйиш жаҳон андазалари даражасида билим олган, заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрларни тайёрлашда муҳим омилдир.

Президентимизнинг “Иқтидорли мутахассисларнинг хорижда таълим олишини қўллаб-қувватлаш, уларда касбий кўникмаларини ривожлантириш ва рағбатланти-

ришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ана шу мақсадни ўзида мужассам этган. Унга биноан мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш борасида фаолият юритаётган “Эл-юрт умиди” жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси этиб қайта ташкил этилди.

Бу билан нималар ўзгармоқда? Жамғарманинг қайтадан ташкил этилишига қандай эҳтиёж бор эди? Бунинг натижасида қандай имкониятлар юзага келади? Юрт қорига ярашни асл мақсад қилиб қўйган салоҳиятли ёшлар, давлат хизматчилари, халқимиз ҳаётида қандай янгилашнилар кузатилади?

Мухбиримиз ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида соҳа мутахассислари ва экспертларга юзланди.



Гулноза ИСМАИЛОВА,
Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси ижрочи директори:

— Бугун халқимиз шиддатли ўзгаришлар даврида яшамокда. Эзгу ишлар давлат, жамият ва одамлар ҳаётининг барча соҳасида кузатишмоқда. Рўёбга чиқаётган ислохотлар ташаббускор, масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, юксак натижага эришиш йўлида барча куч-гайратини сафарбар эта оладиган билимли, профессионал кадрларни талаб қилади.

Президентимизнинг “Иқтидорли мутахассисларнинг хорижда таълим олишини қўллаб-қувватлаш, уларда касбий кўникмаларини ривожлантириш ва рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосий мазмун-моҳияти жамғарманинг ваколатлари, ҳуқуқлари, мақомини кенгайтиришга қаратилган. Жамғарма фаолиятини самарали ташкил этиш ва трансформация қилиш мақсадида қайта ташкил этилгани замонавий билимга эга, креатив фикрлайдиган янги авлод кадрларини шакллантириш, давлат хизматига жалб этишга қўмаклашиш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Мавжуд таълим дастурларидан ташқари, мақсадли стажировкани йўлга қўйиш, хорижий мамлакатлар ёшларининг миллий олий таълим муассасаларида ўқишини молиялаштиришга қўмаклашиш, чет элда ўзбек тили ва тарихини ўрганиш учун шарт-шароит яратиш ва бу билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, Scopus тизимида “Хирш” индекси юқори бўлган олим, профессор-ўқитувчи ва тадқиқотчиларни ўқув курс ҳамда фанларни ўқитиш, тадқиқотлар олиб бориш учун жалб этишга қўмаклашиш каби чора-тадбирлар жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгиланган. Профессional, чуқур билимга эга, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш ва хорижда ўқитиш, эҳтиёж сезилаётган соҳа ходимларига эътибор қаратиш ва уларнинг энг нуфузли университетларда таълим олишини таъминлаш кўзда тутилган. Улар эгаллаган замонавий билим ва кўникмаларни кейинчалик турли соҳаларда, фан, технология, иқтисодиёт, шаҳарсозлик, геодезия, коммунал хизматлар, қурилиш, давлат бошқаруви ёки ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасига йўналтириш назарда тутилмоқда.

Бакалаврият, магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим олиш учун энг муносиб номзодларни саралаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эл-юрт умиди” стипендиаси жорий этилади. “Эл-юрт умиди” стипендиаси ғолиблари очик танлов асосида тест синовлари ва суҳбат ўтказиш орқали аниқланади. Тест синовларида номзодларнинг интеллектуал, таҳлил қилиш ва креативлик қобилияти, психологик барқарорлиги баҳоланади. Жамғарманинг очик стипендия дастурида иштирок этиш учун ёш чегараси

МАҚСАД — ЖАҲОН МЕҲНАТ БОЗОРИДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

мавжудми, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Ҳар бир таълим дастури бўйича танловда иштирок этиш учун ёш чегараси мавжуд. Мисол учун, бакалаврият учун 30 ёшгача, магистратура учун 40 ёшгача ва докторантура учун 45 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамғарма очик танловларида иштирок этиши мумкин. Энг яхши (ТОП) 100 талик университетда ўқиш харажатини 100 фоиз қоплайдиган грант асосида қабул қилинган талабалар жамғарманинг очик танловларисиз жамғарма стипендиати сифатида эътироф этилиши мумкин. Уларга тўлиқ стипендия (виза, тиббий сўғурта, яшаш, турар жой, ўқув адабиётларини сотиб олиш, конференцияларда иштирок этиш ва бошқа харажатлар учун) ажратилади. Энг яхши (ТОП) 300 талик университетда ўқиш харажатини 100 фоиз қоплайдиган грант асосида қабул қилинган талабалар ҳам танловларисиз жамғарма стипендиати сифатида эътироф этилса-да, уларга фақат халқаро транспорт ва турар жой харажати учун “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиаси ажратилади.

Хорижий мамлакатларда таълим олишни молиялаштирадиган халқаро ёки хорижий ташкилотлар, олий таълим муассасалари ва илмий муассасалар томонидан, жумладан, Chevening, Fullbright, Erasmus Mundus, DAAD, KOICA, JICE ва шунга ўхшаш

рўйхатиغا киритилган хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари, уларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги филиалларини очиш бўйича харажатларини ҳамда хорижий мамлакатлар ёшларининг мамлакатимиздаги миллий олий таълим муассасаларида ўқишида қўмаклашади.

Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги томонидан давлатнинг турли органлари, вазирлик, идоралардан ҳар хил буюртмалар шакллантириб борилади. Биздаги

жамоатчиликка етказишда амалий ёрдам бериши кўзда тутилган.

Ота-оналар, стипендиатлар ва “Эл-юрт умиди” жамғармасининг ўзаро кластери шакллантирилади. Ота-оналар ягона платформада барча жараёндан хабардор бўлиши, фарзандларининг чет элдаги ўқишини мониторинг қилиши, муваффақиятларини кузатиб бориши ва қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатлардан хабардор бўлиши каби янги жиҳатлар қамраб олинмоқда.



Янги Уйғониш даврини юрт тараққиётининг фаол иштирокчиси, янги ғояларнинг дадил ташаббускори, миллатимизнинг том маънодаги “олтин фонди” бунёд этади. Шундай экан, жаҳон андазалари даражасида билим олган, заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрларни етиштириш бугуннинг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади.



бошқа дастурлар асосида ажратиладиган грантлар ёки стипендиялар орқали тўлиқ молиялаштириладиганлар жамғарма очик стипендия танловларида иштирок эта олмайд.

қайси соҳаларда мутахассисларга эҳтиёж мавжуд, қайси йўналишларда хориж тажрибасини қўласак, соҳа янада ривожланади деган ёндашувга таянилади. Буюртмалар асосида ёшларни бакалаврият, магистратура ва докторантурада ўқитиш имкониятига эга бўламиз.

Шу пайтгача стажировка дастурлари молиялаштирилмаган. Энди мақсадли стажировкалар ташкил этилишига уруғ берилаяпти. Вазирликлар, идоралар, турли ташкилотлар, нуфузли олий таълим муассасалари, илмий-таҳлилий марказлар ходимларининг бир ойдан олти ойгача бўлган мақсадли стажировкасини ташкил этиш, амалий, янги кўникмаларни шакллантириш, янги технологиялар, инновацион ғояларни олиб келиш ва уларга сингдириш кўзда тутилган.

Муҳим янгиликлардан бири сифатида “Эл-юрт умиди” жамғармасининг ота-оналар кенгаши ташкил этиляпти. У маслаҳат органи бўлиб, танловларни ўтказишда адолат ҳамда шаффофликни таъминлаш юзасидан таклифлар билдириши, бошқарув кенгаши йиғилишларида иштирок этиши, хориждаги стипендиатлар билан доимий мулоқотни таъминлаши, таълим-тарбия жараёнида жамғармага қўмаклашиши, стипендиатлар эришган ютуқларни

Ёшларда ватанга муҳаббатни ошириш, энг илғор хорижий дастурлар асосида таълим олиши ва юрт қорига қамарбаста бўлишида биз ота-оналар кенгаши кўмагига таянамиз. Бу борада самарали тизим яратилади деган умиддамиз.

Янги Уйғониш даврини юрт тараққиётининг фаол иштирокчиси, янги ғояларнинг дадил ташаббускори, миллатимизнинг том маънодаги “олтин фонди” бунёд этади. Шундай экан, жаҳон андазалари даражасида билим олган, заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрларни етиштириш бугуннинг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади. Жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош ва юқори малакали мутахассисларни етакчи хорижий таълим муассасаларида тайёрлаш учун бугун барча шарт-шароит яратилмоқда, имкониятлар ишга солинаяпти. Бу сазй-ҳаракатлар кун келиб самара бериши шубҳасиз.

Президентимиз фармонида ёшларга катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Нафақат назарий, балки амалий билимларга эътиборни кўриш мумкин. Энг муҳим жиҳатлардан бири шуки, ўқишни якунлагандан кейин хорижда мақсадли стажировка ўташ имконияти яратилмоқда. Ўзининг соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш ёки магистратурани тамомлагандан кейин хорижда докторантура босқичида таълим олиш имконияти тақдим этилаётир.

ХОРИЖДА ТАҲСИЛ ОЛИШ МАСЪУЛИЯТ БИЛАН БИРГА ИШОНЧ БЕРДИ

Жасурбек ҚАЙНАРБЕКОВ,
Рақамли технологиялар вазирлигининг рақамли таълимни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари:



— АҚШнинг нуфузли университетиде таҳсил олиш энг катта орзуларимдан бири эди. “Эл-юрт умиди” жамғармаси туфайли шундай имкониятга эга бўлдим. 2017 йилда дунёдаги энг машҳур университетлардан бирига 50 фоизлик грант асосида ўқишга кирганман. Лекин молиявий қийинчиликлар туфайли орзум орзулигича қолиб кетди.

2022 йилда “Эл-юрт умиди” жамғармасига қайтадан ҳужжат топшириб, синовлардан муваффақиятли ўтдим. Бу менга ўзим истаган университетда таҳсил олиш имконини берди. АҚШнинг Питсбург давлат университетиде рақамли технологиялар бошқаруви йўналиши бўйича магистратура босқичида таҳсил олдим ва Ўзбекистонга қайтдим.

Жамғарма жуда кўп орзумни амалга оширишга имкон берди. Биринчи навбатда, дунёнинг нуфузли университетиде таҳсил олиш, у ердаги тажриба, янги технологияларни ўрганишимга замин яратди. Турли давлатлардан келган тенгдошларим билан фикрлашиш, нуфузли олимлар билан бирга йирик лойиҳаларни амалга ошириш, илмий тадқиқотлар олиб боришга имкон берди. 2023 йилда Канзас штатида ўтказилган илмий тадқиқот саммитида нуфузли ўринларни қўлга киритдим.

“Эл-юрт умиди” стипендиати сифатида хорижда таҳсил олиб юртга қайтиш, биринчидан, масъулият юкласа, иккинчидан, жуда кенг имкониятларни очади. Билдирилган ишонч ва умиднинг ўзи катта имконият. Қайтиб келганимдан кейин Рақамли технологиялар вазирлигида — Рақамли таълимни ривожлантириш бошқармасида бошқарма бошлиғи ўринбосари сифатида иш бошладим. Вазирликдаги энг ёш раҳбарлардан бириман. АҚШдан қайтганимга бир йил бўлди. Ўтган вақт давомида катта лойиҳаларни амалга оширишга муваффақ бўлдим. Мисол учун, Жаҳон банки

билан ҳамкорликда 50 миллион долларлик инвестиция жалб қилинди. Шу орқали барча ҳудудда марказлар ташкил этилиб, 6000 дан ортиқ хотин-қиз, ёшлар ахборот технологиялари ва бошқа замонавий касбларга ўқитилмоқда. Энг аввало, уларни ишга йўналтириш мақсад қилинган. Бу — сазй-ҳаракатларимизнинг бошланиши.

Хорижда ўқиб юрганимизда “Эл-юрт умиди” жамғармасини тақомиллаштириш бўйича жуда кўп таклиф берардик. Ҳар ойда вазирлар, ташкилотлар раҳбарлари билан учрашув ташкил этилар, таклиф ва мулоҳазаларимизни билдириш имкони берилар эди.

Президентимиз фармонида ёшларга катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Нафақат назарий, балки амалий билимларга эътиборни кўриш мумкин. Энг муҳим жиҳатлардан бири шуки, ўқишни якунлагандан кейин хорижда мақсадли стажировка ўташ имконияти яратилмоқда. Ўзининг соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш ёки магистратурани тамомлагандан кейин хорижда докторантура босқичида таълим олиш имконияти тақдим этилаётир.

Яна бир муҳим ўзгариш: 2025 йил 1 августдан бошлаб жамғарма стипендиатлари сони ошиб боришини инобатга олган ҳолда Ўзбекистоннинг Вашингтон (АҚШ) ҳамда Лондон (Буюк Британия)даги элчихоналари бошқарув тузилмаси мавжуд штат бирликлари доирасида жамғарма стипендиатлари билан ишлашга масъул биринчи котиб лавозими жорий этилмоқда. Улар беvosита жамғарма стипендиатлари билан доимий мулоқотда бўлиб, дуч келаётган муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради.

Ҳар икки-уч йилда ҳаётимизга янги технологиялар кириб келяпти. Ҳаёт давомида таълим олиш, ўз устиде ишлаш, малака оширишнинг аҳамияти тобора ортиб бораётир. Самарали фаолият юритиш учун хорижда малака ошириш жуда муҳим. Айнан шу имконият яратиб берилган кўп-ла давлат хизматчилари учун дунёнинг нуфузли компания ёки университетларида энг илғор билимлар олиш ва малака оширишда пойдевор бўлмоқда.

УЛАР БУЮК ХАЛҚИМИЗНИНГ МУНОСИБ ФАРЗАНДЛАРИ

Дилафрўз АХБЎТАЕВА,
АҚШнинг Пенсильвания давлат университети талабаси
Дилрўза Жуманованинг онаси:

— Ўқитувчиман, 30 йилдан буюн ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаман. Илгари ўзимиз педагог бўлсак ҳам, оддий оилаларнинг фарзандлари хорижда ўқиб келишини тасаввур қилолмасдик. Мана, қизим Дилрўза Жуманова АҚШнинг Пенсильвания давлат университетиде таълим олмоқда.

Унинг нуфузли университетга ўқишга киргани ҳақидаги хушхабардан беҳад қувондик, аммо... ўқиш учун контракт суммасини тўлашга имкониятимиз йўқ эди. Ўша пайтда биз учун ечими мушкул бўлган масалани “Эл-юрт умиди” жамғармаси ижобий ҳал қилди. Қизимиз мана шу жамғарма стипендиати бўлди. Унинг чет элдаги ўқиш харажатини шу жамғарма тўлиқ қоплаб беришини эшитиб, кўзимиз қувонч ёшларига тўлди.

“Эл-юрт умиди” жамғармасининг қайта ташкил этилгани, тақомиллашгани мен каби оналар қалбига қувонч бағишлади. Айниқса, ота-оналар кенгаши тузилётгани фарзанди олисда ўқибётганлар кўнглига умид беради. Шу кенгаш орқали болаларимизнинг ўқишдаги муваффақияти, изланиши ҳақида билиб тураимиз.

Моддий етишмовчилик сабаб қанчадан-қанча ёшлар ўқишни давом эттиролмаганига кўп гувоҳ бўлганман. Умримиз мазмун-моҳияти бўлган ўғил-қизларимиз имкониятини таҳлиқ намоён этиб, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун шароитлар яратиб берилётганидан хурсандман. Юксак интеллектуал салоҳият, замонавий билимларга эга, мустақил ва ижодий фикрлайдиган, инновацион лойиҳаларни амалга оширишга қодир ўғил-қизларимиз кун келиб, ўз салоҳиятини мамлакатимиз тараққиёти учун сафарбар этишига ишонаман.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.

Унга кўра, “Тоза қўллар” дастури доирасида соғлиқни сақлаш ва таълим ташкилотлари санитария-гигиена воситалари билан етарли миқдорда таъминланади, ичимлик сув таъминоти ва санитария-гигиена объеклари (ҳожатхона) инфратузилмаси яхшиланиб, улар бионинг ички қисмида жойлаштирилади, шунингдек, аҳоли, жумладан, болалар ўртасида шахсий гигиена одатларини шакллантириш ва унга риоя қилиш бўйича тарғибот ишлари амалга оширилади.

“Тоза қўллар” дастури нафақат бутунги кун, балки келажак авлодлар саломатлиги учун ҳам муҳим ташаббус бўлди. Ҳўш, бу дастурнинг туб моҳияти ҳамда унинг жамиятимиз саломатлиги йўлидаги нафи нималардан иборат? Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Нурмат ОТАБЕКОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Май ойидан эътиборан кенг миқёсда амалга оширила бошлаган “Тоза қўллар” дастури жамоатчиликда қизиқшис уйғотмоқда. Аввало, унинг асосий ғоялари, кўзланган максадлар ва жамиятимиз ҳаётидаги узок муддатли аҳамияти ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

— “Тоза қўллар” дастури шунчаки вақтинчалик тадбир эмас, балки Президентимизнинг жорий йил 30 январдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига киритилган ҳаётий муҳим йўналишидир. Унинг бош ғояси аҳоли, айниқса, ўсиб келатган ёш авлоднинг сифатли санитария-гигиена воситалари ва шароитларидан фойдаланиш имкониятини тубдан кенгайтиришдир. Бу орқали юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, жамиятда юқори санитария маданиятини шакллантириш ва пировардида ҳалқимиз учун соғлом турмуш, хавфсиз меҳнат ва мазмунли дам олиш учун энг қўлай шароитларни яратиш кўзда тутилган. Бу, ҳеч умумбўлагасиз, миллат саломатлиги ва келажакда йўлидаги муҳим маънавий сармоялардан бири ҳисобланади.

— “Тоза қўллар” дастурининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси қаби кенг миқёсдаги давлат ҳужжатига алоҳида йўналиш сифатида киритилишининг фундамен-тал сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Бу қарор негизда аҳоли саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг энг устувор, дахлсиз ва доимий йўналиши экани ётди. Тиббиётда аллақачон ўз исботини топган бир ҳақиқат бор — кўп-кўп жиддий юқумли касалликлар, минг афсуски, айнан тозаланиш рия этилмаган, ювилмаган қўллар орқали юқди. Президентимиз раислигида яқинда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам юқумли касалликларнинг 35-40 фоизи оддий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида юзага келатгани кўрсатиб ўтилди. Бу рақамларнинг ўзиёқ “Тоза қўллар” дастури нақадар ҳаётий, кечиктириб бўлмас ва ўта зарурий эканини яққол намойён этади. Шунинг ўзиданоқ бу шунчаки кундалик гигиена масаласи эмас, балки миллат генефондини асраб-авайлаш, жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишдек улуғвор мақсадларга

Хабарингиз борми?

Маданият вазирлиги соҳани рақамлаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2023 йил 27 июлдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида маданият ва туризм соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосланган Маданият ва санъат соҳасида ахборот технологияларини ривожлантириш ва бошқарувни рақамлаштириш орқали хизмат кўрсатиш жараёنларини соддалаштиришга қаратилган “ERP madaniyat” ягона бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш бўйича 2024-2027 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури бу борадаги салмоқли ишлардан бири бўлди.

— “ERP madaniyat” ахборот тизими самараси ўлароқ, вазирлик тизимидаги 1400 дан ортқ ташкилот фаолиятида бошқарув жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилади, соҳанинг 34 мингдан ортқ ходими ҳамда маданият ва санъат соҳасида фаолият юритаётган эркин ижодкорнинг ягона маълумотлар базаси шакллантирилади, — дейди маданият вазири ўринбосари Муроджон Мажи-дов. — Уларнинг миллий маданиятимиз-ни ривожлантиришга ҳамда Ўзбекистон имижини ҳалқоро майдонда янада

мажбурий тартибда бионинг ички қисмида, халқаро стандартларга мос равишда лойиҳа-лаштирилади ва барпо этилади. Буларнинг барчаси пировардида халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга ва ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилади.

— Хизмат кўрсатувчи субъектлар, масала, умумий овқатланиш шохобчалари, бозорлар ёки аҳоли гавжум бўладиган бошқа жамоат жойлари учун “Тоза қўллар” дастури қандай аниқ мажбуриятлар ва масъу-لياتларни юклайди?

— Аввало, барча ҳудудлардаги таълим муассасаларидаги санитария-гигиена шохобчалари тўлиқ хатловдан ўтказилади, санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда гигиеник қоидаларга мувофиқлиги баҳо-ланади. Ушбу хатлов махсус далолатнома асосида расмийлаштирилади ва натижаларга кўра, ҳар бир санитария-гигиена шохоб-часи намунали, қонқарли ёки қонқарсиз деб баҳоланади. Баҳолаш натижасидан келиб чиқиб, қонқарсиз деб топилган санитария-гигиена шохобчаларини санитария талабларига тўлиқ мос ҳолатга келтириш чоралари белгиланади. Бу жараёнда таъ-лим муассасалари учун мослаштирилган махсус гигиена дастури ишлаб чиқилади ҳамда унинг кундалик назорати кучайтири-лади. Ушбу дастурнинг ўз вақтида тўлақон-ли амалга оширилиши учун мактабгача



Соғлиқни сақлаш, Иқтисодиёт ва молия, Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирликларида жорий йил 1 августга қадар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТ экспертларини жалб қилган ҳолда барча ижтимоий соҳа муассасаларида, жумладан, умумий овқатланиш жойлари ва вилоятлараро автомобиль йўллари бўйидаги санитария-гигиена шохобчаларида санитария-гигиена тизимини яхшилаш дастурини ишлаб чиқиш ва ҳукуматга киритиш вазифаси қўйилди.

ва мактаб таълими ҳудудий бўлинмалари ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари шахсан жавобгар экани белгиланади.

Шунингдек, барча турдаги жамоат санита-рия-гигиена шохобчалари ва умумий овқатла-ниш ташкилотларини санитария-гигиена воси-талари билан таъминлаш бўйича мажбуриятлар жорий этилади.

— Бундан буён янги қурилатган барча ижти-моий объектларда санитария-гигиена хоналари

— “Тоза қўллар” дастурининг барқарор ва узлуқсиз молиявий асоси, биринчи навбатда, давлат бюджетидир. Иқтисодиёт ва молия ва-зирлигига дастур доирасидаги тадбирлар учун, аниқланган зарурат ва асосланган ҳисоб-китоб-ларга мувофиқ, йил давомида қўшимча маблағ ажратиб бориш вазифаси юклатилди. Бу шунинг англатадики, дастур ижросида молиявий таъ-минотда узилишлар бўлишига йўл қўйилмай-ди. Энг муҳими, ажратилган маблағнинг аниқ мақсадга йўналтирилиши ва самарали ишла-тилиши устидан энг қатъий давлат ва шаффоф жамоатчилик назорати ўрнатилади.

— Дастурий самарали ижросида Са-нитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг тутган ўрни ва унга юклатилган асосий ваколат ҳамда мажбуриятлар нималардан иборат?

— Дастури амалга татбиқ этишда кўми-тага бир ой муддатда мазкур муассасаларда са-нитария-гигиена ҳолатини сақлаш учун маблағ ажратиш нормативларини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг амалда бажарилиши устидан қатъ-ий назорат ўрнатиш топширилди.

Соғлиқни сақлаш, Иқтисодиёт ва молия, Мак-табгача ва мактаб таълими ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирликларида жорий йил 1 августга қадар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТ экспертларини жалб қилган ҳолда барча ижтимоий соҳа муассасаларида, жумладан, умумий овқатланиш жойлари ва вило-ятлараро автомобиль йўллари бўйидаги санита-рия-гигиена шохобчаларида санитария-гигиена тизимини яхшилаш дастурини ишлаб чиқиш ва ҳукуматга киритиш вазифаси қўйилди.

— “Тоза қўллар” ташаббусининг якуний муваффақиятида кенг жамоатчилик, яъни ҳар бир фуқаро, оила, маҳалла ва таълим даргоҳларининг фаол иштироки қанчалик муҳим ва бу борада айнан нималарга алоҳи-да эътибор қаратиш, қайси жиҳатларни куч-айтириш лозим деб ҳисоблайсиз?

— Бу дастурий чинакам муваффақияти ҳар бир фуқаронинг жараёнга онгли, чин дил-дан ва фаол иштирокига, “Бу менинг ҳам инсон сифатидаги масъулиятим” деган юксак даҳл-дорлик ҳиссига бевосита боғлиқдир. Ҳар бир инсон шахсий тозаланиш нафақат ўзининг, балки бутун оиласи, фарзандлари ва атрофдагилар-нинг саломатлиги учун нечоғлиқ муҳимлигини чуқур англаши, буни кундалик, ажралмас одат-ига айлантириш шарт.

Оилада ота-оналар фарзандларига ёшлик-дан бошлаб шахсий гигиена қоидаларини, айниқса, қўл ювиш маданиятини сабр-тоқат, қатъий ирода билан сингдириши керак. Таъ-лим муассасаларида эса мураббийлар ва ўқи-тувчилар “Тоза қўллар” тамойилини, яъни овқатланишдан олдин, ҳожатхонадан сўнг, ташқаридан келганда ва бошқа барча зарур ҳолларда қўлни, албатта, совунлаб, оқар сулда камида 20-30 сония давомида ювиш ҳаётий зарурат ва маданият белгиси экани ўқувчилар онига чуқур кириб боришини таъминлаш лозим. Бу фақатгина давлат идораларининг вазифаси эмас, балки бутун



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

жамиятнинг, ҳар биримизнинг умумий иши-миз, виждоний бурчимиз бўлмоғи керак.

Тозалик ва саломатлик маданияти ҳар бир хонадондан, ҳар бир оиладан, ҳар бир инсон-нинг ўзидан бошланади. Маҳалла фаоллари, нурунийлар, оммавий ахборот воситалари ҳам бу борада муносиб ҳиссаларини қўшиши ке-рак. Шундай ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилибгина биз соғлом, барка-мол ва фаровон келажакни барпо эта оламиз.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Жоникбек АЛИЖОНОВ суҳбатлашди.



БИРЛАШМАСАК, БИР МУШТГА АЙЛАНМАСАК ТАЪЛИМДА ЎЗГАРИШ БЎЛМАЙДИ

Эрта тонгда Наманган шахрининг қоқ марказидаги Матбуот уйи олдидаги кичик хиёбонда ўтириб, атрофни кузатмоқ кишига ҳузур бағишлайди. Рўпарадаги йўлакдан гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга гуррос-гуррос ўқувчилар шоша-пиша ўтади. Авваллари ўқувчилар сафи анча сийрак бўларди. Улар асосан, шаҳардаги 5-, 6-, 7- умумтаълим мактаблари ўқувчилари эди.

Энди вазият ўзгарган. Матбуот уйидан 200-300 қадам нарида Муҳаммаджон Пар-пиев раҳбарлик қилаётган “Зиёкор” ва Анваржон ўринов бошқарётган “LSL” ўқув марказларининг хусусий мактаблари жой-лашган. Мактаб сари шоду хуррам чопиб бораётган ўқувчилар орасида таниш чеҳра-лар ҳам кўзга ташланди. Мана рафиқаси, ёш олимпиада Гулноза Холдора ва ўғли Дурбек ҳамроҳлигида мактаби сари шошлаетган қадрдонимиз Ўткирбек Маматвалиев. У ҳо-зир “Зиёкор” хусусий мактабидан ишлайди. Ишидан, маошидан мамнун.

Юзаси қараганда оддий туйиладиган бун-дай кундалик манзара замирида реал воқе-лик буй кўрсатиб турибди. Зеро, таълим ва тарбия Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида юритаётган сиёсат, амалга ошира-ётган ислохот, олға сураётган ташаббуслар-нинг ажралмас қисми.

Бундан ўн йил муқаддам бутунги янгила-ниш ва ўзгаришлар тасаввуримизга ҳам сиг-масди. У пайтлар ўқитувчи ва ўқувчи турли ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жалб этилар, айни чоғда улардан сифатли таълим ҳам сўраларди. Ўқитувчи ва ўқувчи икки ўт орасида қовурилар, дардини ичига ютарди. Истиқлол даврининг дастлабки чорағида мактаб таълими нажотга муҳтожлик даража-сига бориб етди. Аммо унга фақат оғизда ва қозғода нажот берилди. Авалда эса мактаб таълими инқирозга юз тутди.

“Янги Ўзбекистон мактаб остонаси-дан бошланади!”, “Нажот таълимда!”, “Мактаб, мактаб ва яна мактаб!” дея мунтазам ра-вишда таъкидлайдиган, бонг уришдан қар-чамайдиган давлатимиз раҳбари 15 май куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам барча мутасадди ва зиёлиларни ватанимиз, халқимиз фаровонлигини таъминловчи, ёруғ келажакни белгилувчи эзгу ғояларни ҳаётга татбиқ этишга, мактаб таълими сари юз бу-ришга чорлади.

Уйлаб қарасак, таълимга нажот бермай, уни моддий-техник жиҳатдан таъминламай, ўқитувчиларнинг интеллектуал-педагогик савияси ва маҳоратини оширмай туриб та-раққиёт ҳақида сўзлаш мумкинми? Йўқ, ал-батта. Қарангки, педагогик йўналишда бака-лавр дипломига эга 13 минг ёш мутахассис амалдаги малака ва сертификат талаблари асосида қайта синовдан ўтказилганда, улар-нинг олти минг нафари белгиланган меъё-рдаги саволларга жавоб бера олмабди.

Бу ҳолат олий ўқув юрти ва ёш мутахас-сисларни ишга жалб этувчи таълим муасса-салари раҳбарларини хўшёр тортирмоғи даркор.

Видеоселектор жараёнида Сурхондарё вилоятидаги 11 ўқитувчи 2 минг доллар миқдоридан маош олаётгани ибрат тариқа-сида кўрсатилди. Том маънодаги ўқитувчи охир-оқибат шундай мақом соҳибига айла-нади. Табиийки, ўша пайтда “Ҳўш, Наман-ган вилоятида-чи?” деган савол туғиди кўнглимда. Маълум бўлишича, Қосонсой ту-манидаги 18-умумтаълим мактабининг ин-глиз тили фани ўқитувчиси Нигора Эгамова, мутасаддиларга иборат бўлиши керак.

Улугбек РЎЗИМАТОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Наманган туманидаги 15-умумтаълим мак-табининг француз тили фани ўқитувчиси Замира Ҳамидова 20 миллион сўм миқдорда маош оқиб экан.

Эътифдор этиш керакки, хорижий тил му-тахассисларининг бу борада омади чопган. Чекака ҳудудлардаги мактабларда инглиз, француз ёки немис тили мутахассислари жуда кам ва улар ўзи хоҳлаганича дарс соат-лари билан таъминланади, шунга яраша маошлари ҳам кўп. Бироқ кимё, биология, физика, тарих фанларидан дарс соатлари оз, лекин диплом эгаси бўлган мутахассислар меъёридан ортқ.

Мактаб раҳбарларига осон тутмаймиз. Уларга ҳам ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш борасида ихтиёрий-мажбурий топшириқ берилди. Иш берувчи томонидан аслида ўзи оз бўлган дарс соатлари бир неча мутахассис ўртасида тақсимланади. Натижа-да маошлар миқдори кескин тарзда камаяди, ёш мутахассислар 6-7 соатдан иборат дар-сини бир-икки кунлик дарс жадвалига жой-лаштириб, бошқа юмушлар билан шугулла-нади, муайян фурсат мактабдан узоклашади. Асл касбидан чалғийди.

Ишончимиз комилки, юқорида тилга олинган видеоселектордан сўнг таълим соҳаси мутасаддилари бу огрикли масала устидан ҳам жиддий бош қотиради ва унга ижобий ечим топишга эришади.

Сўнгги йилларда миллиятимиз тақдирини муаллим ва мактабга чамбарчас боғлиқ экани бот-бот такрорланмоқда. Бу инкор этиб бўлмас ва ҳаминча кўнглимизда янграб тура-диган ҳулоса. Аммо видеоселектордан сўнг биз яшаб турган жамиятда яна бир устувор ва ёрқин ҳулоса борлиги, у тобора қон-қо-нимизга сингиб, онгу шууримизга муҳрла-наётгани ойдинлашди. Бу таълим тақдирини нафақат муаллимга, балки ҳоқимлик тизими мутасаддиларига, уларнинг фидойилиги ва кўйинчақлигига ҳам боғлиқлигидир. Давла-тимиз етакчисининг сазй-ҳаракатлари, қатъ-ияти ва жасорати бу борада барча раҳбарлар-га, мутасаддиларга иборат бўлиши керак.

Энг асосийси, мутахассисларнинг қайд этишича, мазкур тизимни жорий этиш орқали маданият ва санъат соҳа-сига ажратилаётган давлат бюджети маблағларининг 20 фоизгачасини иқтисод қилиш режалаштирилмоқда. Маданият вазирлиги ва тизим ташки-лотлари фаолиятини ўрганишлар давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар-дан йилга ўртача 19 миллиард сўмга яқин маблағ нотўғри сарфланганини кўрсатади. Энди бошқарув жараёни-нинг рақамлаштирилиши натижасида 14,8 миллиард, таълимда 1,2 миллиард ва ижодий фаолият билан боғлиқ 3 мил-лиард сўм тежалиши кутилмоқда.

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЭЛОМОНЛАР БОРКИ, ВАТАН, ЭЛ ОМОН

Сурхондарёнинг тоғли ҳудудларида халқаро террорчиларга қарши жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Эломон Отажонов хотирасига

Булут соя солди тонг кулгусига, Сурхон тоғларига писиб кирди ёв. Куёшнинг қудратин сезмаскан гоҳи Гулларнинг баргида адашган қиров.

Офтоб чекинмади зулмат қаршида, Муқаддас остона топталмади, йўқ. Ёвузлик қаъридан ҳарчанд отилсин, Озодликни асло йиқитолмас ўк!

Душман ер тишлади, тутдек тўкилиб, Шум ўқлар ёмири қасд қилди жонга. Тоғларнинг бағрида тоғдай юксалиб, Мардлар қалқон бўлди Ўзбекистонга!

Она юрт севгиси ҳар недан устун, Зиммада бурч бордир, ортда халқ, Ватан. Тоғлардан олдингми, Эломон, кучинг? Сўнгги сўзларингда бурч, номус ва шаън...

Онанг бежиз “Алпим” дея суймаган, Ғаним йўлларини тўсдинг мардона. Дединг: — Номус эрур мен ичган қасам — Мендек ўғлонлар кўп, Ватан ягона!

Мардлар ўлимида мангу ҳаёт бор, Аввал Ватан дединг, аввал эрк дединг. Ким қурол кўтариб кирса юртимга Қалбим дарвозадир, йўлинг берк дединг!

Тўғри, кўз ёш билан асралмас Ватан, Жон билан, шон билан қўриқлаш керак. Эломонлар элнинг қалқони бўлса, Мангу уйғоқ турар эрксевар юрак!

Бу улуг маконни камолга йўллар Юртга қалқон бўлиб тикилган ҳар жон. Ватан севгисини шарафлаб турган Муқаддас виждондир, муқаддас иймон.

Ботирлар шаштида жасорат, мардлик, Тоғлар тоғдек алпга айтдилар видо. Алвон қизғалдоқлар — эрур ҳамдардлик, Она Ер тилида шому тонг дуо.

Токи бу дунёда жаҳолат мавжуд, Токи қалбга солур вахшат таҳдидлар. “Ватанни иймондек асрангиз!” — дейди Ватан деб жон фидо қилган шахидлар.

Ҳамон дунё нотинч, хавф-хатар бисёр, Гоҳи бол деб тутар ғанимлар талхни. Эркига тажовуз қилса, янчилар, Эрк учун жон олиб, жон берган халқни.

Мардлар байроқдирлар дилларда мудом, Неча эврилмасин давр ва замон. Токи Эломондай ўғлонлари бор, Эл ҳам омон эрур, Ватан ҳам омон!

Минҳожиддин МИРЗО, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

МЕЗОН

Миллий контент

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ТАРБИЯСИГА БЕФАРҚ БЎЛСАК, ЎРТАГА ТАШҚИ ТАЪСИРЛАР АРАЛАШАДИ

Давлатимиз раҳбари раислигида мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида эртанимизга дахлдор ўта муҳим жиҳатларга эътибор қаратилди. Хусусан, 100 минг ўқувчи учун мактабларда “кундузги оромгоҳ” фаолияти йўлга қўйилган бўлди. Ёзги оромгоҳларда дам оладиган ёшларнинг “Ибрат фарзандлари”, “Қизлар академияси”, “Мутолаа” лойиҳалари билан қамраб олиниши ҳам аини мудида. “Ёшлар туризми ойлиги” эса 1 миллион ёшнинг музей ва тарихий обидалар билан танишувида аини мудида. Бу уларнинг шонли тарихимизга яқинлашиши, бой маданий меросимиз билан фахрланишида муҳим омили бўлади. Театрлар, маданият марказлари, концерт заллари, спорт майдончаларини туризм объектлари ҳам энди ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, сайилгоҳларда ҳар куни концерт-томошалар, маданият ва историк ёдгорлиқлар санъат кўргазмалари, шешрий кечалари, интеллектуал ўйинлар ташкил этиш билан минглаб ёшни қамраб олиш мумкин. Аини тадбирларнинг давомийлигини таъминлаш, анъанага айлантириш масаласида ташкилотчилардан, масъуллардан доимий жонбозлик, фидойилик талаб қилинади, албатта. Вазият изга тушиб олгач, ёшларнинг ҳам хайрихоҳлиги ортб бораверади. Ташаббус билдиришларини кўриб қоларди.

Йиғилишда ёшлар маънавияти билан ҳамма шуғулланаётгани, бироқ зарарли ахборотга қарши тура оладиган миллий контент яратиш, ижодкорларни қўллаб-қувватлайдиган профессионал ташкилот йўқлиги айтилди. Ҳақиқатан масъул идоралар зарарли ахборотнинг таъсири, ундан эҳтиёт бўлиш кераклиги ҳақида бонг ургани билан муайян ечим беролмайди. Шу маънода, Мактабга ва мактаб таълими вазирлиги ҳузурида Болалар контентини ривожлантириш маркази ташкил қилингани мақсадга мувофиқ бўлди. Марказ олдида қўйилган вазифалар аини бугуннинг оғриқли нуқталарига қаратилгани билан аҳамиятли. Айниқса, янги тузилманинг болалар тарбияси ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ахборот контентини таҳлил қилиб бориши кеиғ жамоатчилик ва отоналарни ташвишлантираётган муаммолар ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади. Чиндан ҳам гўр, бегубор болалар, ўсмирлар ўзи билмаган ҳолда ғаразли кучларнинг кўринмас тўрига иланиб қолади. Ана шундай зарарли таъсирлардан ҳимояланиш учун таъсирчан тадбирлар кўрилиши даркор. Йиғилишда бу масалаларни марказнинг ўзига таъинлаб қўймай, масъул барча вазирликлар ҳам ҳамкорликда ишлаши кераклиги таъкидланди.

Яқиндагина “Ренессанс” болалар оромгоҳида болалар учун миллий контентлар яратиш бўйича ижодий мулоқот ва маҳорат дарслари ташкил этилганди. У ерда ёш истеъодлар профессионалларнинг тажриба ва билимлари билан ўртоқлашиб, креатив гоя ва лойиҳаларини тақдим қилган эди. Бундан кўнглимиз ёришди. Чунки бу миллий контент яратиш йўлидаги эзгу ҳаракатларнинг амалий кўриниши, давлатимиз раҳбари орзу қилаётган ижодкорларни кашф этиш сари қўйилган қадам. Бундай ёшларнинг интеллектуал соҳаючлиги, инновацион ёндашувларидан унумли фойдалансак, миллий ва маъноли контентлар кўпайишига эришамиз. Бу борада алоҳида ташкилот билан ишлаш эса сазй-ҳаракатларимизнинг тизимли ва сифатли бўлишини таъминлайди.

Хитой, Япония боғчалари ва мактабларида болаларни меҳнатга ўргатиш, жамоат ҳолиларида ўзини тутиш акс этган контентлар аксариятимизнинг ҳавасимизни келтиради. Бу контентлар минглаб одамни бефарқ қолдирмаслигини изоҳлар қўйлигидан ҳам билиш мумкин. “Бизда бундай бўлиши қийин”, “Тарбия масаласида анча орқадамыз”, “Бизнинг таълим муассасалари тарбия беролмайди” қабилидаги муносабатлар ёмғирдан кейинги қўзқориндек бодраб кетади. Обьектив ва субъектив сабабларни айланиб ўтиб фикр билдираётган қўллаб ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг бу йўсиндаги изоҳларини тўла ёқлаб ёки бутунлай инкор этиб ҳам бўлмайди.

Аммо бундай фикр эгалари болалар тарбияси ўзларига ҳам боғлиқ экани ҳақида ўйлаб кўрмайди. Инчунун, тарбия биргина таълим даргоҳларининг

эмас, аввало, оила, қолаверса, жамиятнинг таъсирига боғлиқ масала. Айтайлик, ўша кўпчилик ҳавас қилаётган чет эл контентларида жамоат транспортда юриш одоби кўрсатилади. Улардан тушаётган йўловчиларнинг ҳам навбат билан ҳаракатланаётганини кўрамиз. Эскалатордан фойдаланишда ҳам тартибга амал қилинади. Чунки жамият шу руҳда тарбия топган. Болаликдан шунга ўргатилади. Хориждаги боғча тарбияланувчиларига оид бир видеолавҳа ижтимоий тармоқларда жуда кўп айланди. Бирини ёш болали, бошқаси чол, яна бири ҳомиладор аёл образидagi болалар транспортта чиқади. Уларни кўриб ўтирган болалар дарҳол ўрнидан туриб жой беради. Аслида, бундай одоб бизга бегона эмас. Фақат айрим ёши катталарнинг фарзанди ёки набирасини аяши оқибатида, бу қадриятимизга тўла амал қилмаганимиз. Бемалол ўзини тугиб кета оладиган боласини ёнига ўтказиб, она ҳам ўзидан ёши катталарга жой берса, бола ўзидан ўтириб кетишга тортинади. Афсуски, бундай ҳолатларга жуда кам дуч келамиз.

Бир боғча тарбиячиси жамоат транспортда юриш одобини айнан саҳналаштирибди. Унга деярли барча ижобий фикр билдирди. Тарбияга чорловчи бундай ўзлаштириш фойдаимизга ишлайди. Бироқ нега ўзимиз ҳам бошқалар ибрат олиши мумкин бўлган лавҳалар тайёрламаймиз? Нега хориқликлар миллий контентларимиздан таъсирланмаслиги керак? Оддий гигиена қоидаларини ўргатиш ҳам жуда муҳим. Ахир таълим муассасаларида юкумли касалликларнинг 35-40 фоизи оддий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида юзага келаётгани аниқланди.

Энди барча боғча, мактаб, техникум, олийгоҳ, поликлиника ва шифохоналарда “Тоза қўллар” дастури амалга оширилади. Дастур ижроси эса яна тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг ишга чин дилдан



ёндашишига бориб тақалади. Бу бўйича лавҳаларни, ибратли роликларни кўпайтиришнинг аини вақти. Аслида, азалдан шакланган гигиенамиз, шарқона одобимиз ва қадриятларимиз билан ҳам кўпнинг ҳавасини келтирсак бўлади. Фақат чиройли кўрсатиб бера олишимиз, бунинг учун сифатли миллий контентларга ургу берилишимиз лозим. Масъуллар глобал ахборот маконида рақобатлаша оладиган миллий контентлар, мультфильмлар яратиш устида астойдил ишлаши керак.

Бу борада дастлабки ютуқлар ҳам йўқ эмас. Масалан, “Бек ва Лола” ўзбек мультфильми миллий контент яратиш йўлидаги амалий натижа бўлди. У YouTube тармоғида 32 миллион мартадан ортқ томоша қилинган. Ушбу мультфильм 110 мингдан ортқ обунани йиққан. Анимацион фильмининг “Бадантарбия” қисми 13 миллион марта кўрилгани айтarli натижа, албатта. Рақамларни таҳлил қилаётганлар “чет элникига ҳавас қилиб юрадик, ўзимизда ҳам миллий қадриятлар, ватанпарварлик ва спорт ҳақида сифатли мультсериал яратса бўлар экан-ку”, дея фикр билдиряпти. Шунга ўхшаш изоҳлар саноксиз. Зеро, бутун



болаларимизни ўзига жалб қилаётган контентлар, юқорида айтганимиздек, аксарият катта авлод вакиллари ташвишига солаётгани рост. “Бу кетишда қаёққа борамиз?” деган оғриқли савол, афсуски, кўнглимизнинг бир четини кемириб тургани ҳам ҳақиқат. Таълим муассасалари, Маънавият ва маърифат маркази, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти, умуман, қўллаб ташкилотлар бу борада анча ҳаракатга келган. Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги ҳам, аввало, анимацияда миллий контент яратишга жиддий эътибор қаратяпти. Ўзликка ҳурмат, буни миллий анимацияда ҳам акс эттириш ҳақида гап кетганида, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2023 йил 22 декабрда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишига тўхталиш жоиз. Зеро, аини йиғилиш маънавият соҳасини тизимли такомиллаштириш

“Миллий контент, миллий қаҳрамонлар яратиш устида изланаётган ёш аниматор буюк сиймоларни саралашда улар фаолиятининг турлича бўлишига эътибор берилганини айтади. Бу билан математика, астрономия, география, адабиёт, рассомлик санъати кабиларга мойиллиги бор болаларни руҳлантириш кўзда тутилган. Шунингдек, туркий адабиётимиз устунлари Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарийни ҳам болаларимиз яқиндан билиши кераклиги мақсад қилинган.

Амир Темурнинг болалиги, ўсмирлиги ҳақида ёшларга мос контентлар йўқ. Ёш болага ўрта ёшдаги қаҳрамон ҳаёти қанчалик қизиқ? Болага миллий қаҳрамонларимизнинг болалиги, ўсмирларга ўзига тенг ёшдаги ҳолатини очиб беришимиз керак ахир”, деганди.

Хайриятки, бу йил болалар алломаларимизнинг ибратли ҳаётидан ҳикоя қилувчи “Буюк боболарим болалиги” туркумдаги анимацион фильмлари томоша қилиди. Таниқли ёш аниматор Абдулатиф Ҳайдаров тақдим этган маълумотларга кўра, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Мухаммад Хоразмий, Ахмад Фароний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Бобур мирзо, Мирзо Улуғбек, Камолiddин Беҳзодиннинг болалик даври гавафактирларида. Февраль-сентябрь ойларида тўлиқ тайёр бўладиган анимацион фильмларнинг ҳар бири 8 дақиқали. Уларда аждодларимизнинг илм олиш йўлида чеккан заҳмати, ақл-заковати билан мушкул вазиятлардан чиқиб кетиши ва болалигиданоқ муваффақиятларга эришган ҳақида ҳикоя қилинади.

Миллий контент, миллий қаҳрамонлар яратиш устида изланаётган ёш аниматор буюк сиймоларни саралашда улар фаолиятининг турлича бўлишига эътибор берилганини айтади. Бу билан математика, астрономия, география, адабиёт, рассомлик санъати кабиларга мойиллиги бор болаларни руҳлантириш кўзда тутилган. Шунингдек, туркий адабиётимиз устунлари Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарийни ҳам болаларимиз яқиндан билиши кераклиги мақсад қилинган. “Юсуф Хос Ҳожиб” мультфильми орқали Қўнғутди, Ойтуғди, Уғдулмиш, Ўзғурмишнинг ўта жиддий вазиятларда одиллик, донолик ва қаноат билан иш тутиши ҳақида ҳикоя қилинади. Унда бош қаҳрамоннинг “Саодатга элтувчи билим” асарини битиши, Хос Ҳожиб унвонини олишигача бўлган воқеалар тасвирланади.

Бундан ташқари, аини пайтда “Буюк ипак йўли саргузаштлари” туркумдаги анимацион фильмлар устида ҳам ишланыпти. Давомийлиги 10-12 дақиқа бўлган бу фильмларда Амир Темур, Широқ, Спитамен каби миллий қаҳрамонлар болаларга яқиндан таништирилади. Бу орқали муайян маънода эртанимиз эгаларини жўмардлик, ботирлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам эришилади.

Замонавий технологиялар имкониятидан унумли фойдаланишда ёш авлодга таянамиз. Шундай экан, миллий контент яратишга ҳаракат қилаётган ёшларни қўллаб, дўстона маслаҳат, тўғри йўналиш беришимиз керак. Чунки уларнинг ўзи ҳам бугуннинг энг замонавий, илгор ёшлари. Аввало, яратувчиларда миллий руҳ устувор бўлсагина муҳаббати асарларида акс этади. Бунда фидойи маънавият тарғиботчиларининг ҳам ўрни катта бўлади. Зеро, бутун ёшларга миллий қадриятларимиз моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрнини англатишда кучли тарғибот керак. Миллий контент тайёрлашда бу жиҳатларга эътибор бериш соҳа келажаги учун жуда муҳим. Моҳиятини чуқур анлаган ҳолда тайёрланган ҳар қандай иш кўнглидагидек бўлади, албатта. Биз ҳам азалий одадларимиз — катталарнинг измидан чиқмаслик, дастурхон устига оилабошилар келмагунича таомга қўл узатилмаслиги, оналарни ҳурматлаш, отанинг оиладаги ўрнини жуда гўзал тарзда кўрсатиб беришимиз мумкин.

Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири